

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ” КАФЕДРАСИ

Б.ҚУРБОНОВ. М.МУХЛИБОЕВ. Г.КУРБАНОВА

Малакавий ва педагогик амалиётларни ташкил этиш ва
ўтказиш бўйича
методик қўлланма (дастур)

5112100- Технологик таълим йўналиши талабалари учун

Гулистон 2021

Б.Қурбонов. М.Мухлибоев. Г.Қурбанова Малакавий ва педагогик амалиётларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича методик қўлланма. (дастур) (Технологик таълим йўналиши талабалари учун). Гулистон-2021

Мазкур қўлланма (дастур) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Технологик таълим” йўналиши ўқув режасида белгилаб берилган ва ўтказиш вақтлари (неча ҳафта) кўрсатилган асосий таянч ўқув режаси асосида ёзилган.

Ушбу қўлланма (дастур) 2 қисмдан иборат:

1-қисм малакавий амалиёт;

2-қисм педагогик амалиёт.

Қўлланма (дастур) “Технологик таълим” таълим йўналиши ўқув режасида ўтказилиши лозим бўлган амалиётларга бағишланган бўлиб, унда амалиётларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилган. Амалиётларни мазмуни, мақсади ва вазифалари амалиётчи талабаларни баҳолаш мезонлари баён қилинган. Қўлланма - дастур малакавий ва педагогик амалиёт ўтадиган талабаларга ва методистларга, мактаб технология фани ўқитувчиларига методик ёрдам сифатида тақдим этилади.

Такризчилар:

Тоштемиров Д. Педагогика ва психология кафедраси мудири, п.ф.н., доцент

Сатторова З. Гулистон ш. 8- умумий ўрта мактабнинг “Технология” фани ўқитувчиси, 8-9-синфлар учун “Технология” фани дарслиги муаллифи, халқ таълими аълочиси.

Кириш

Ҳар қандай билим, амалиётда синаб кўрилгандан кейин мукаммаллиги ва тугал эканлиги аниқланади.

Билимларни амалиётда қўллашни шакллари ҳар ҳил бўлиб, бу билимни мазмуни қандай мақсадга қаратилганлиги, қандай натижа қўлга киритилишига қараб белгиланади.

Технологик таълим йўналишида умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича илмий, назарий, амалий билимлар берилади. Ушбу билимларни мукаммаллиги малакавий ва педагогик амалиёт ўтказиш жараёнида синаб кўрилади. Малакавий ва педагогик амалиётлар талаб даражасида жихозланган умум таълим мактабларида ўтказилади ва “Технологик таълим” йўналиши талабаларининг олган назарий ва амалий билимларини мустақкамаш билим, кўникма ва малакаларини бевосита мактабдаги таълим –тарбия жараёнида қўллаш имконини беради.

I. Малакавий амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш.
Малакавий амалиётни ўтказиш даврида амалиётчи-талабалар томонидан қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

- Умумтаълим мактаблари билан танишиш;
- Ўқув устахонаси устасини ўқув-тарбиявий ишларини ўрганиш;
- Мактабда тарбиявий ахборот соатларини ўтказишни ўрганиш;
- Маънавий-маърифий ишларни режалари ва ўтазилишини ўрганиш (синфлар кесимида);
- Синф раҳбари, ўқув устасини ўқувчиларни касбга қизиқтириш ишларини ўрганиш;
- Мактаб жамоаси билан эркин мулоқот қилишни ўрганиш;
- Ўқитувчи касбини мазмун-моҳиятини ўрганиш;
- Ўқувчилар билан дарсдан ташқари олиб бориладиган маънавий, маърифий ва бошқа тарбиявий ишларни ўрганиш,
- Фан ўқитувчиси ва синф раҳбарининг иш режаларини тузишни ўрганиш;

Амалиётчи талабалар амалиёт бошланган кундан унинг охиригача амалиётг ўтаётган умумтаълим мактабининг ички-тартиб интизомига риоя қилиши шарт.

Мактабнинг ички тартиб-қоидалари

Умумий қоидалар

Бугунги кунда ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларидан ҳимоя қилиш, уларда ғоявий иммунитетни шакллантириш масалалари олдимиздаги энг долзарб ва асосий вазифа сифатида қолмоқда.

Биз яшаб турган ХХІ-асрда ахборот коммуникацион технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда ва унга ўз таъсирини табора кенгроқ кўрсатмоқда.

Миллий минталитетимиз, дунёқараш ва тафаккуримиз, фазилат ва хусусиятларимиз, энг муҳими эзгу ва олийжаноб мақсадларимизга мутлақо ёд бўлган ғоялар, қарашлар, суний қадрият ва анъаналарни турли йўллар билан жорий этишга уринишларни, бир сўз билан айтганда, маънавий таҳдид элементларидан фарзандларимизни асраш керак.

1. Мактаб маъмурияти ва педагогик жамоасининг ҳуқуқ ва бурчлари;

1.1. Таълим-тарбия сифатини ошириш мақсадида ўқитишнинг илғор педагогик технологияларни танлаш ва амалиётга тадбиқ қилиш.

1.2. Ўқувчиларнинг таълим олиши учун етарли шарт-шароитларни яратиш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, таълим мазмуни ва сифатини яхшилаш.

1.3. Ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, миллий ғояга садоқат, юксак инсоний фазилатлар, инсонпарварлик, жамиятда эътироф этилган ахлоқ тамойиллари ва меъёрларига мос тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини маънавий, ғоявий ва ахборот таҳдидларидан ишончли ҳимоя қилиш, диний ақидапарастлик ва миссионерлик ҳаракатлари таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, ичкиликбозлик каби салбий иллатлар, юқумли касалликлар профилактикаси билан боғлиқ амалий ишларни олиб боориш.

1.4. Ота-оналарни мактаб “Устави”, ўқув-тарбия жараёнини тартибга солувчи соҳавий, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички тартиб-қоидалар билан таништириш ҳамда ўзаро шартнома тузиш. Шунингдек, ота-оналар ва мактаб маъмурияти ўртасида тузилган шартнома шартларининг тўлиқ бажарилишини талаб қилиш.

1.5. Ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари ҳамда маҳалла билан ҳамкорликни кучайтириш.

1.6. Ўқитувчи ва ўқувчилардан мактаб “Устави”да белгиланган тартибга тўлиқ риоя қилиш тасдиқланган машғулотлар жадвали асосида ишга ва дарсга ўз вақтида келиш, ижодий ёндашган ҳолда иш кунидан ва дарс жараёнидан унумли фойдаланиш, маъмурият томонидан берилган топшириқларни муддатида бажаришни талаб қилиш.

1.7. Ўқувчиларнинг давоматини мунтазам назорат қилиб бориш, уларнинг машғулотларга тўлиқ қатнашишини таъминлаш чораларини кўриш.

1.8. Ота-оналардан фарзандини таълим муассасасига дарсликлар ва ўқув қуроллари ҳамда мактаб “Устави”да белгиланган ўқувчилар формасида келишини талаб қилиш.

1.9. Ўқувчиларнинг таълим муассасасида мобил телефон, интернетдан фойдаланишларини назорат қилиш ва тартибга солиш, уларга мобил телефонида фойдаланиш маданиятини тарбиявий соатларда сингдириш, ота-оналар йиғилишларида мобил телефонлардан фойдаланиш маданияти ҳақида тушунчалар бериш ва уларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш.

1.10. Педагогик кенгаш қарори билан Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ўзлаштирмаган ўқувчиларни синфда қолдириш.

1.11. Синф раҳбарларининг ўқувчилар ва ота-оналар билан яқин алоқасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг хонадонларига доимий ташрифларни уюштириш.

Шунингдек, ўқувчилар ҳуқуқини муҳофаза қилиш, тарбияси оғир ўқувчилар ва нотинч оила фарзандлари билан якка тартибда тарбиявий ишларни ташкил этиш.

1.12. Уйда якка тартибда таълим олувчи ўқувчилар учун уларнинг ота-оналари билан ҳамкорликда барча шароитларни яратиш, ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш ҳамда дарс машғулотини тегишли ўқитувчилар томонидан ўтилишини таъминлаш.

1.13. Белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ҳамда синфлардаги ўзини-ўзи бошқариш органи вакиллари томонидан биринчи дарсдан олдин ўқувчиларни тозалик кўригидан ўтишларини назорат қилиш.

1.14. Дарс жараёнида, танаффус вақтида ва таълим муассасаси ҳудудида юрганда бир-бирига ўзаро ҳурматда бўлишни талаб этиш.

1.15. Ўқув йили давомида ўқувчилар учун мактаб ошхонаси ва буфетларнинг мунтазам ишлашини таъминлаш.

1.16. Мактаб кутубхонасига ўқувчиларни жалб қилиш, уларни ижарадаги дарсликлар ва қўшимча бадий адабиётлар билан етарли миқдорда таъминлаш ҳамда ўқувчилар томонидан йўқотилган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилган дарсликларни ўрнатилган тартибда ундириш.

1.17. “Васийлик кенгаши”нинг самарали иш юритиши учун шарт-шароит яратиш, ҳамкорлик фаолиятини мустаҳкамлаш ҳамда асоссиз пул йиғимларига чек қўйиш.

1.18. Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлаш, ўқитувчилар томонидан аниқланган бўшлиқларни якка ва гуруҳ тартибида, мустақил ишлаш орқали тўлдирилишини таъминлаш.

1.19. Таълим муассасасида ички назоратни йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги ва хулқини кузатиб, таҳлил қилиб бориш.

1.20. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш, фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

1.21. Ўқувчиларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида фан ва қизиқишлари бўйича тўғараклар, спорт секциялари ҳамда куни узайтирилган гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил қилиш.

Шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасалари билан ҳамкорлик фаолиятини тизимли ташкил этиш.

1.22. Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, мактаб мулкани сақлаш, коммунал хизматдан мақсадли фойдаланиш ҳақида тушунчалар бериш ва уларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш.

1.23. Ўқув йили давомида наъмунали хулқи ва эришган билимидаги ютуқлари учун ўқувчиларни рағбатлантириш (Ота-онасининг иш жойига, турар жойидаги маҳалла қўмитасига миннатдорчилик хатини юбориш, эрталабки сафланишларда фахрий ёрлиқ ёки илиқ сўз билан алоҳида эътибор кўрсатиш).

Шунингдек, мактаб ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун интизомий чоралар кўриш (Ота-онасининг иш жойига, турар жойидаги маҳалла қўмитасига салбий ҳолат юзасидан хат юбориш, эрталабки сафланишларда алоҳида кўрсатиб ўтиш).

1.24. Юқори натижаларга эришган ўз вазифасига виждонан ёндашган ўқитувчиларни мактаб маъмурияти томонидан мукофотлаш ёки моддий рағбатлантириш.

2. Ўқувчиларни ҳуқуқ ва бурчлари;

2.1. Мактаб ўқувчиси ҳуқуқ доирасида ўз инсоний қадр-қимматларини ҳурмат қилиши, виждон ва ахборот эркинлигини ҳис қилиши, ўз қараши ва эътиқодларини эркин ифода этиши ҳамда таълим муассасасини бошқарув ишида қатнашиш ҳуқуқига эга.

2.2. Мактаб “Устави”да белгиланган тартибга тўлиқ риоя қилиш, тасдиқланган машғулотлар жадвали асосида дарсга ўз вақтида

келиш, уйга берилган вазифаларни бажариш, ижодий ёндашган ҳолда дарс жараёнидан унумли фойдаланиш, мактаб маъмурияти ва синф раҳбарлари томонидан берилган топшириқларни муддатида бажариш.

2.3. Давлат рамзларини қадрлаш ва ҳурмат қилиш.

2.4. Мактаб “Устави”да белгиланган ўқувчилар формасида келишни таъминлаш. Жумладан қуйидагилар талаб этилади:

- ўқувчиларнинг кийим боши тоза ва озода бўлиши;
- ўқувчи қизларнинг сочлари текис турмакланган, калта юбка ва олди ҳаддан ташқари очик кўйлак киймаслик, таълим муассасаси ҳудудида бош кийимсиз ва пардозсиз юриш;
- ўғил болаларни сочлари текисланган, мактабга шортик ва майкада, “замонавий мода” деб тиззаси йиртилган шим, Ғарбнинг жангари фильм қаҳрамонлари акс эттирилган кийимларда келмаслик.

2.5. Мактабга ўқув-қуроллари, дарс жадвалида белгиланган ўқув дарсликлари билан келишни таъминлаш.

Жумладан қуйидагилар талаб этилади:

- ўқувчилар учун мўлжалланган папка билан келиши;
- кундалик дафтарининг бўлиши;
- дарсга тўлиқ ўқув дарсликлари билан қатнашиш;
- маънавиятга зид ҳамда сифатсиз дафтарлардан фойдаланмаслик.

2.6. Мактабда мобиль телефон, интернетдан фойдаланиш маданияти ҳақида тушунчаларга эга бўлиши ва бу борадаги тартибга тўлиқ риоя қилиш талаб этилади.

Жумладан:

- Мактабга мобиль телефон билан келиш ҳуқуқига эга, бунда мобиль телефон “Овозсиз режим”да бўлиши ёки товуш сигнали сифатида атрофдагиларни бевовта қиладиган,

асабига тегадиган товушлар (кўпол ва кескин ифодалар, муסיқалар)дан фойдаланмаслик;

- Мобиль телефон ўқувчиларнинг дарсдан чалғитувчи восита эканлигини инобатга олиб, мактабга кираётганда мобиль телефонни ўчириб қўйиш ҳамда дарс пайтида ундан фойдаланмаслик;
- Мактабга киришдан олдин, катта танаффус ва танаффусларда ота-оналари, васийлари ёки яқинлари билан таълим муассасасига етиб келганлиги, ўзининг хавфсизлиги ва саломатлиги тўғрисида, охириги дарсдан кейин (ёки маълум сабабларга кўра аввалроқ) таълим муассасасидан кетаётганлиги тўғрисида хабар бериш учунгина мобиль телефондан фойдаланиш;
- Таълим муассасаларида имтиҳонлар, маданий тадбирлар пайтида, ахборот-ресурс марказлари, ўқув заллари, умумий фойдаланиш ва овқатланиш жойларида мобиль телефондан фойдаланмаслик;
- Дарс вақтида мобиль телефон ёрдамида сўзлашиш, қисқа хабарлар алмашиш, ўйин ўйнаш, Интернет сайтларига кириш, муסיқа тинглаш ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;
- Мобиль телефон орқали сўзлашганда бошқаларни ҳақорат қилиш ва атрофдагиларнинг нафсониятига тегувчи сўзларни ишлатмаслик;
- Мобиль телефон орқали мактабга инсон шаъни ва қадр-қиммати камситувчи, маънавий бузуқликнинг турли кўринишлари, порнография, алкоголизм, ичкиликбозлик, кашандалик каби иллатларни тарғиб этувчи, жамиятда умумэътироф этилган ахлоқий қадриятларга зид бўлган, ўқувчиларнинг жисмоний ва маънавий камолотга зарар келтирувчи, шунингдек, диний ва миллий низолар келтириб чиқарувчи, диний ақидапарастлик ва миссионерлик билан боғлиқ ҳар қандай кўринишдаги маълумотларни олиб кирмаслик ва тарқатилишига йўл қўймаслик;
- Мобиль телефон орқали ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва ижтимоий мавқеига мос бўлмаган, уларнинг хавфсизлиги тўлиқ кафолатланмаган хизматлари, жумладан, СМС-танишув хизматларидан фойдаланмаслик;

- Мактабда мобилъ телефоннинг ўта баланд овозга созланиши, уларга мазмунида ўқувчининг ёши ва ижтимоий мавқеига мос бўлмаган, маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи муסיқаларни ўрнатмаслик, эшитмаслик ва тарқатмаслик;
- Мобилъ телефонни безатишда ўқувчининг ёши ва ижтимоий мавқеига мос бўлмаган, маънавий-ахлоқий тарбияга салбий таъсир кўрсатувчи тасвирлар, безаклар, символлар, қўғирчоқ ва бошқа шу кабилардан фойдаланмаслик.

2.7. Мактабда мобилъ телефондан фойдаланиш таълим-тарбия жараёни самарадорлиги, хавфсизлигини таъминлаш, ўқувчиларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топиши, ҳаёти ва соғлиги, шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза қилиш мақсадларида, ҳуқуқ ва бурчларнинг, эркинлик ва масъулиятининг тегишли нуқтаи назаридан чекланиши мумкин.

Шунингдек, мактабда мобилъ телефондан фойдаланиш талабларини бузган ўқувчи икки мартагача раҳбарият, раҳбар ўринбосарлари ва педагоглар томонидан тегишли тартибда огоҳлантирилади.

Талаблар учинчи марта ёки иккинчи марта жуда қўпол тарзда бузилган ҳолатда педагоглар ташаббуси билан 2 нафар педагог (бири синф раҳбари бўлиши мақсадга мувофиқ) ва 2 нафар ўқувчи гувоҳлигида мобилъ телефон ўқувчидан олиб қўйилади, ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқинлари иштирокида муҳокама қилиниб, чора кўрилгандан сўнг қайтариб берилади.

2.8. Ҳафта давомида мактабнинг ҳаёти билан боғлиқ ташкилий ва оммавий тадбирларда, хусусан, жума Маънавият кунлари маданий тадбирларда фаол иштирок этиш.

2.9. Жисмоний тарбия дарс машғулотлари кунини спорт залларига махсус спорт формаси ва оёқ кийимларида иштирок этиш (махсус спорт формасисиз келган ўқувчилар машғулотга қўйилмайди ва ўша кунини ўқувчи сабабсиз дарсга иштирок этмади деб ҳисобланади).

2.10. Мактабга қурол-яроқ, портловчи моддалар, тез аланга олувчи нарсалар, спиртли ичимликлар, наркотик ва тамаки маҳсулотлари, заҳарли моддалар олиб келинмайди.

Шунингдек, мактабга гугурт, ўткир қиррали буюмлар, газли балончалар, қуроллар ва ўйин карталари олиб киришлари руҳсат этилмайди.

2.11. Дарс машғулотлари давомида мактабдан чиқиб кетиш, дарсга келмаганлиги ва кейин дарсга кириш учун руҳсатни синф раҳбари ва мактаб маъмуриятининг кўрсатмаси билан амалга оширилиши тартибига риоя қилиш (агар ўқувчи машғулотга келмаса, бунинг сабабларини исботловчи ҳужжатлар: тиббий маълумотнома ёки ота-онасининг аризаси синф раҳбарига тақдим этилиши лозим).

2.12. Мактаб ички тартиб-қоидасини бузган ўқувчиларга қуйидаги интизомий жазо чоралари белгиланган. **Жумладан:**

- кундалигига танбеҳ ёзиш;
- мактаб буйруғи билан “ҳайфсан” эълон қилиш;
- бошқа синфга кўчириш;
- вақтинчалик синфдан ташқари тадбирларда иштирок этишини таъқиқлаш;
- синф жамоаси орасида муҳокама этиш;

Ота-онасининг иш жойига ва маҳалла оқсоқоли номига хат юбориш.

2.13. Мактаб ҳаётида фаол иштироки, хулқи ва одоби, билимда эришган ютуқлари учун рағбатлантирилади. **Жумладан:**

- мактаб буйруғи билан ташаккурнома;
- мактабнинг “Фахрий китоби”га киритиш;
- “Фахрий ёрлик” билан тақдирлаш;
- қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан мукофотлаш;
- ота-онасининг иш жойига ва маҳалла оқсоқоли номига хат юбориш.

3. Ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари ва мажбуриятлари.

3.1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Оила кодекси, мактаб “Устави”, мактаб маъмурияти ва ота-оналар ўртасида тузилган шартномага ҳамда амалдаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга қатъий амал қилиш.

3.2. “Васийлик кенгаши”, ота-оналар қўмитаси фаолиятида иштирок этиш, мактаб маъмурияти ва синф раҳбарлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

3.3.Мактабга тасдиқланган машғулотлар жадвали асосида фарзандининг ўз вақтида машғулотларга тўлиқ дарсликлар ва ўқув-қуроллари билан келишини таъминлаш.

3.4. Фарзандининг давоматини мунтазам назорат қилиб боориш, унинг машғулотларга тўлиқ қатнашинини таъминлаш чораларини кўриш, унинг ўзлаштириш самарадорлиги ва хулқини кузатиб, таҳлил қилиб боориш.

3.5. Фарзандининг мактаб “Устави”да белгиланган ўқувчилар формасида келишини таъминлаш.

3.6. Миллий маънавиятимизга, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига жавоб берадиган ёзув (шу жумладан, кундалик, расм) дафтарларида бериладиган фан, адабиёт, санъат, соҳасига ҳисса қўшган улуғ алломалар, олимлар портретлари, афоризм даражасига кўтарилган ҳикматли сўзлар мазмун-моҳияти сингдирилган ўқув қуроллари ва бошқа ўқув анжомлари билан таъминлаш.

3.7. Фарзандининг мактабда мобиль телефон, интернетдан фойдаланишларини назорат қилиш ва тартибга солиш, уларга жамоат жойи ва мактабда мобил телефонлардан фойдаланиш маданияти ҳақида тушунчалар бериш ва уларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш, қатъий назоратга олиш.

3.8. Фарзандини соғлигини назорат қилиш борасида белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтказиш.

3.9. Фарзандини бўш вақтини мазмунли ташкил этиш юзасидан мактабда ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этилган қизиқишлари бўйича тўғараклар, спорт секциялари ва куни узайтирилган гуруҳларда мунтазам қатнашинини таъминлаш.

3.10. Ўқитувчилар томонидан фарзанди билимидаги аниқланган бўшлиқларни тўлдириш мақсадида якка ва гуруҳ тартибида, мустақил ишлаши учун барча шароитни яратиш ва назорат қилиш.

3.11. Турли спорт ва фан олимпиадалари, кўрик-танловларда иштирок этишини тўлиқ таъминлаш ва яқиндан ёрдам бериш.

3.12. Ижарага берилган дарсликларни фарзанди томонидан асраб-авайлашни назорат қилиш, дарсликлар ижараси учун маблағларни ўз вақтида тўлаш.

3.13. Мактаб биноси, ўқув-лаборатория ва бошқа жиҳозларига фарзанди томонидан моддий зарар етказилган ҳолларда (нобуд қилиш, синдириш, бузиш, чизиш, яроқсиз ҳолга келтириш ва ҳ.к) ўрнатилган тартибда зарарни қоплаш.

3.14. Мактабда ўтказиладиган “Очиқ эшиклар куни” ва “Ота-оналар мажлиси” ҳамда бошқа оммавий тадбирларни ташкил этишда фаол иштирок этиш.

3.15. Фарзандини турли салбий оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва қонунбузарликдан асраш ва соғлом турмуш тарзини шахсий намунаси орқали сингдириш.

Жўмладан:

- ойда бир марта бадиий китоб ўқиш;
- битта спорт тури билан шуғулланиш;
- ойда бир марта оилавий маданият масканларига ташриф буюриш.

3.16. Фарзандини наъмунали хулқи ва эришган билимдаги ютуқлари учун рағбатлантириш.

Шунингдек, мактаб ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун тарбиявий чоралар кўриш.

4. Мактаб ички тартиб қоидаларига, айниқса якуний қоидага амалиётчи талаба ҳам риоя қилиши арурлигини ўрганиш;

Якуний қоидалар:

Малакавий амалиёт якунида амалиётчи талаба, амалиётни бошланишдан охиригача бўлган даврда бажарилган ишлар бўйича ҳисобот ёзади ва методистга топширади. Малакавий амалиёт охирида талаба қуйидаги ҳужжатларни топширилади:

- Ҳисобот;
- Амалиётчи талабага мактаб директори томонидан тасдиқланган тавсиянома;
- Бажарилган ишлардан баъзи наъмуналар;
- Ўқувчилар билан олиб борилган ишлар акс этган фото-альбом;

Хулоса қилиб айтганда малакавий амалиёт жараёнида дарсдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган барча тадбирларни ташкил этилиши ва ўтказилиши талаба томонидан ўрганилинади. Бу эса педагогик амалиёт ўтказишга замин яратади.

II. Педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш.

Келажакда ҳар бир шахс яхши мутахассис бўлиб етишиши учун, аввало, ўзининг назарий билимларини амалиётга жорий эта олиши керак. Шу мақсадда қайси касб бўйича таҳсил олаётган бўлишига қарамасдан, талабалар белгиланган муддат давомида амалиётда бўлиб, ўз соҳалари бўйича тажриба орттиришга ҳаракат қилади.

Педагогик амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Талабаларда ўқитувчининг иш режасига асосланиб, технологик таълим йўналишини ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактаб ўқувчилари билан тарбиявий ишларни олиб бориш малакасини шакллантириш. Таълим тарбиявий ишларни асосий шакллари (дарс, суҳбат, ўйин ва бошқалар) амалиётга тадбиқ қилишни ўргатиш. Талабаларда умумтаълим мактаб ўқувчиларини ўрганиш кўникмаларини шакллантириш. Таълимнинг замонавий педагогик технологияларини ва методларини қўллаб дарс (машғулот) ўтишни ўрганиш. Педагогик амалиётни ўташда талабалар педагогика, психология, умумтехник ва методик фанлардан эгаллаган билимларига таянади.

Умумтаълим мактаблари билан танишиш, ўқув юрти раҳбарларининг ишларини ўрганиш. Ўқув устаҳонаси

устасининг ўқув-тарбиявий ишларини ўрганиш. Умумтаълим мактабларида дарсдан ва ўқишдан ташқари ишларни ўрганиш. Ўқув устахонаси устаси ва синф раҳбарлари олиб борадиган касбга қизиқтириш ишлари, усуллари ва методлари билан танишиш ҳамда уларни ўрганиш.

Педагогик амалиётни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси О ва ЎМТ вазирлигининг 1998 йил 30 октябр (305- сонли буйруғи) билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларнинг малакавий ва педагогик амалиётлари ҳақидаги мезон илғор педагогик тажрибаларига бой бўлган таълим –тарбияни ҳозирги замон талабларига мос ҳолда йўлга қўйган мактабларда ўтказилади.

Педагогик амалиётнинг мақсади ва вазифалари:

Педагогик амалиётнинг мақсади. Бўлажак технологик фани ўқитувчилари касбий сифатларини синаб кўриш касбий ва ихтисослик фанлардан эгаллаган билимларни амалда татбиқ этиш учун шароит яратишдан иборатдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қўйиладиган вазифалар педагогик амалиёт даврида ўз ечимини топиши зарур:

1. Олинган назарий билимлар билан амалиёт ўртасидаги узвий боғланишнинг реал ҳаётда қандай эканлигини билиш.
2. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришни мураккаб жараён эканлиги, ўқув жараёнида илғор педагогик тажрибалардан унумли фойдаланиш зарурлигини англаш.
3. Касбий тайёргарлигини қандай даражада эканлигини идрок этиш, ўз устида узлуксиз ишлаш зарурлигини англаб етиш.
4. Мустақил дарс ўтиш жараёнида касбий фанлардан эгаллаган билимларини ўқувчиларга етказиб бера олиши, дарсни талаб даражасида ўтиш учун мустаҳкам тайёргарлик кўриш зарурлигини ҳис этиш.
5. Ўқитувчилик обрўсини сақлаш. Ўқувчиларга ибрат-наъмуна бўлиш.

6. Ўқитувчилик касбига қизиқиш, бажараётган ишидан қониқиш, ўз қобилиятига, ақли ва билимига ишонч ҳосил қилиш.

7. Ўз фаолиятини тўғри режалаштиришга, уларни ўз вақтида бажаришга, тегишли хужжатларни тўғри юритишга, бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш вазифаларини талаб даражасида бажаришлари лозим.

8. Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш

9. Маънавий ва касбий қийматга эга бўлган шахсларни тарбиялаш.

Технология фанининг бўлажак ўқитувчиларида, олий таълимда, талабалик йилларида олган назарий билимларини амалиётга тадбиқ эта олиш компетенцияларини шакллантириш.

Педагогик амалиётнинг мазмуни. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий фаолиятига, мос бўлиб, таълим жараёни билан боғлиқ бўлган, маънавий-маърифий, мактабдги ижтимоий-ташкилий ишларни, мактабни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар билан ишлашда педагогик билимларни тарғибот қилиш ишларини қамраб олади.

Амалиётчи талаба мутахассислик фани бўйича дарсдан ва синфдан ташқари ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда эгаллаган билим кўникмаларини мактаб шароитида тадбиқ этиб кўради.

Педагогик амалиётнинг самарали бўлишида амалиётчи талаба томонидан юритиладиган кундалик катта аҳамиятга эга. Кундаликда талаба таассуротларини баён этиш жараёнида ҳаққонийлик, адолат ва ҳолислик билан бирга танқид, ўз-ўзини танқидий таҳлил қилишга эътибор қаратиши лозим. Ушбу кундаликни юритишини вақти-вақти билан методист назорат қилади ва методик ёрдам кўрсатади.

Ўқув ишлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар кенг ўрин эгаллаган дарс жараёнининг тарбияловчи таъсирини кучайтиришга эътибор қаратиш лозим. Ҳар бир дарсда таълимий-тарбиявий, ривожлантирувчи, ижодий ва амалий вазифалар ҳал қилинади. Дарсдан ташқари ўтказиладиган ишлар учун алоҳида режа тузилади. Бу режани бажарилишини методист, педагог ва психолог текшириб боради ҳамда зарурий ёрдам кўрсатади.

Педагогик амалиёт назарий билимларни амалиётда синаб кўриш учун энг асосий жараён ҳисобланади. Бу жараёнда талабаларнинг касбий малакалари шакллантирилади. Амалий машғулотлар жарёнида талабаларнинг кўникма ва малакалари ошиб боради, ўқувчиларда эса шакллантирилади.

Педагогик амалиёт даврида амалиётчи – талабалар томонидан бажариладиган ишлар

1. Дарс (амалий машғулот)ни –ўқитишни ташкил этиш;
2. Ўқувчиларни ўқув цехларига, қўшма корхоналарга экскурсия ва олиб бориш;
3. Технология фани бўйича техник ижодкорлик тўғаракларини ташкил этишни ўргатиш;
4. Фронтал машғулотлар олиб бориш;
5. Якка тартибда ўқитиш (ўргатиш);

Педагогик амалиёт жараёнида фойдаланиладиган методлар ва уларга қўйиладиган талаблар

1. Оғзаки методлар; ҳикоя қилиб бериш, суҳбат, ўқув материалларини оғзаки баён қилиб бериш;
2. Кўргазмали методлар: плакатлар, рассомлар асарларидан наъмуналар кўрсатиб бериш, экскурсиялар уюштириш;
3. Амалий методлар: машқлар, амалий машғулотлар, тегишли хужжатлар устида ишлаш, ўқитишда техник воситалардан фойдаланиш, дастурлаштирилган ўқитиш ва назорат, ўргатувчи қурилмалардан фойдаланиш

Педагогик амалиёт жараёнида бирор методни танлаш учун унинг хусусиятларини чуқур ўрганиш зарур.

№	Методлар	методлар таснифи	Методларга қўйиладиган талаблар
1	Ҳикоя	Ўқув материални жонли, оғзаки ҳикоя қилиб бериш. Дарс мавзусини қисқача умумлаштириб таомлаш керак.	Ҳикояни тили саводли, ҳар бир ибора тўғри танланиши, ойдин ва равшан

			талаффуз этилиши шарт.
2	Суҳбат	Бунда ўқувчилар ўқитувчини берган саволига жавоб бериш учун сўзга чиқадиладар. Бу методдан берилган мавзу бўйича ўқувчиларда етарлича ҳажмдаги билим бўлгандагина фойдаланиш мумкин. Суҳбат охирида ўқувчиларни берган жавоблари умумлаштирилади.	Бериладиган саволлар ихчам, тушунарли ва мавзуга тегишли бўлиши керак. Суҳбат аниқ мақсадни кўзда тутган ҳолда ўтказилади.
3	Ўқув материални оғзаки баён этиш	Ўқув материали изчиллик билан баён қилинади. Қоида ва тушунчалар очиб берилади. Фактлар таҳлил қилинади ва исботланади.	Баён кўргазмали, образли, равон тилда, тўлақонли нутқ билан ойдин тушунтирилади.

Амалиётчи - талабаларда ўқитувчилик маҳоратини шакллантириш.

Педагогик амалиёт жараёнида ўтказиладиган машғулотларда амалиётчи талабалар томонидан ўқувчиларга (кириш, жорий ва якуний) йўл-йўриқлар кўрсатиш жуда муҳимдир:

1. Кириш йўриқномасининг кетма-кетлиги.

1. Машғулот мавзуси ва ундан кўзланган мақсадлар билан ўқувчиларни таништириш.
2. Ўқувчиларни тайёргарлик даражасини текшириб кўриш.
3. Бажарилиши кўзда тутилган ишнинг мақсади, тартиби ва муҳим хусусиятларини тушунтириб бериш.
4. Чизмалар, схемалар ва намуналар тарқатиш.

5. Ишлатиладиган материаллар, асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ва мосламалар билан таништириш.
6. Иш ўрнини ташкил этиш, меҳнат ва ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.
7. Ўқувчилар бажарган ишлар натижасини назорат қилиш, хатоликларини аниқлаш ва рағбатлантириш ишларини олиб бориш.
- 8.

2.Жорий йўриқномалар кўрсатишни самарали ўтказишга қўйиладиган талаблар.

9. Бажариладиган иш моҳиятига ҳар бир ўқувчининг тушунганлигига ишонч ҳосил қилиш.
10. Ўқувчиларни тўғри ишлаш тартибини текшириб кўриш ҳамда таъминлаш.
11. Ҳар бир ўқувчининг берилган вазифани бажаришга ижодий ёндошганлигига қараб рағбатлантириш.
12. Ҳар қайси ўқувчи меҳнат хавфсизлиги қоидаларига амал қилаётганини мунтазам кузатиш.
13. Ўқувчиларни мустақил ишлаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ишни режалаштиришига шарт-шароит яратиш.
14. Ўқувчиларни иш вақтидан унумли фойдаланишларини кузатиш.
15. Ишни яхши бажара олмаётган ўқувчиларга қўшимча кўрсатма ва ёрдам кўрсатиш.
16. Ўқувчиларда юқори даражадаги иш маданиятини тарбиялаш.
17. Ўқувчилар кўплаб хатоликларга йўл қўйган ҳолларда жамоа шаклида йўл-йўриқ кўрсатиш.

3.Якуний йўриқноманинг таркибий мазмуни.

1. Дарсга яқун ясаш.
2. Баъзи бир ўқувчилар йўл қўйган хатоликларни таҳлил қилиш.
3. Бажарилган ишлар бўйича баҳо қўйиш, баҳони асослаш ва эълон қилиш.
4. Уйга вазифани бериш. Бу вазифани бажариш бўйича кўрсатмалар бериш.

Дарсни ташкил этиш мазмуни ва методикаси.

1. Дарс мақсадларини тўғри аниқланганлиги.
2. Дарс тузилмаси ва босқичларининг муқобиллиги.

3. Дарснинг турли босқичларига вақтни тўғри тақсимланганлиги.
4. Ўқув материалларининг тўғри танланганлиги.

Дарсни таҳлил қилиш.

1. Дарсни жихозланиш даражаси;
2. Керакли жихозларни мавжудлиги;
3. Иш ўринларнинг ҳолати;
4. Хонанинг санитария-гигиена ва ёнғинга қарши талабларига жавоб бериш ҳолати;

Дарсда эришилган натижалар.

1. Кўзланган таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, ижодий ва амалий мақсадларга эришганлиги;
2. Ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ва иш ҳаракат усулларини чуқур ва пухта ўзлаштирганлик даражаси;

Ҳар бир амалиётчи амалиёт давомида бажарилган ишлари ва эришилган натижаларини акс эттирувчи ҳисобот тайёрлайди. Ҳисоботга қуйидагилар илова қилинади ва методистга топширилади:

1. Педагогик амалиёт натижалари ҳақида ҳисобот.
2. Педагогик амалиёт бўйича шахсий иш режа.
3. Кундалик дафтар.
4. Технология фанидан муддатли мавзу режаси.
5. Фан ўқитувчилари ва амалиётчи талабалар ўтказган дарсларининг таҳлили
6. Ўтказилган дарсларининг режа матни
7. Синф раҳбарининг тарбиявий иш режаси
8. Тарбиявий машғулот
9. Амалиётчининг синф жамоасига берган тавсифномаси.
10. Амалиётчи талабага мактаб томонидан берилган твсифнома.

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТДА
БАЖАРГАН ИШЛАРИНИ РЕЙТИНГ АСОСИДА
БАҲОЛАШ ТАРТИБИ**

№	Бажарилган ишлар мазмуни	Ишлар	балл
I	Жорий назорат	ЖН	40балл
1	3. Дарс кузатиш; 4. Дарсга тайёргарлик кўриш ва талаб даражасида сифатли ўтказиш; 5. Кундалик юритиш; 6. Кўргазмали қуроллар тайёрлаш; 7. Тарқатма ва тақдимот материаллари тайёрлаш; 8. Педтехнология ва АКТлардан фойдаланиш; 9. Мактабнинг ички тартиб-қоидаларига амал қилиш;	ҳар куни амалиёт давомида 10 та 10 та амалиёт давомида амалиёт давомида	
II	Оралик назорат	ОН	30балл
2	10. Синов дарслари учун наъмунали дарс ишланмалари тайёрлаш; 11. Тарбиявий тадбирлар режа матнини тайёрлаш; 12. Педагогик амалиёт юзасидан кенгайтирилган ҳисобот тайёрлаш;	10 10 10	30балл
III	Якуний назорат	ЯН	30балл
3	13. Педагогик амалиёт бўйича тайёрланган		

	хужжатларни алоҳида жилдланган ҳолда методистга топшириш; 14. Хужжатларни сифатли бажарилганлиги ва уни ҳимоя қилиш; 15. Педагогик амалиёт давомида мустақил ва ижодий ишлари ҳамда фаоллиги учун;		
	Жами		100балл

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТДА
БАЖАРГАН ИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ
(Баҳолаш Низоми)**

№	Бажарилган ишлар мазмуни	Ишлар	баҳо
I			
1	1. Дарс кузатиш; 2. Дарсга тайёргарлик кўриш ва талаб даражасида сифатли ўтказиш; 3. Кундалик юритиш; 4. Кўргазмали қуроллар тайёрлаш; 5. Тарқатма ва тақдимот материаллари тайёрлаш; 6. Пед технология ва АКТлардан фойдаланиш; 7. Мактабнинг ички тартиб-қоидаларига амал қилиш; 8. Синов дарслари учун наъмунали дарс ишланмалари тайёрлаш; 9. Тарбиявий тадбирларнинг режа матнини тайёрлаш; 10. Педагогик амалиёт юзасидан кенгайтирилган ҳисобот тайёрлаш; 11. Педагогик амалиёт бўйича тайёрланган ҳужжатларни алоҳида жилдланган ҳолда методистга топшириш; 12. Ҳужжатларни сифатли бажарилганлиги ва уни ҳимоя қилиш; 13. Педагогик амалиёт давомида мустақил ва ижодий ишлари ҳамда фаоллиги учун;	40та 10та 10та 10та 10та амалиёт давомида 10та амалиёт давомида	
	Жами		

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Қурбонов ва бошқалар. Баркамол авлод орзуси Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 200.248 б.
2. Н.Муслимов ва бошқалар. Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси ва касб танлашга йўллаш. Т., -2014 йил 452 б
3. А.Эминов ва бошқалар Педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий қўлланма. Гулистон-2011.32 б
4. Б.Қурбонов. Технология фанини ўқитиш методикаси УУМ. Гулистон-2021 й 176 б

Илова:

**Амалиётчи талаба _____ нинг амалиёт
ўташ даврида бажарадиган ишлар режаси (шахсий режа)**

1-хафта

1. Амалиётга бағишланган дастлабки йиғилишда қатнашиш;
2. Белгиланган мактабга бориш, мактаб жамоаси билан танишиш;
3. Дарс ўтиш учун синфлар кесимида дарс соатлари олиш;
4. Бирорта синфга синф раҳбари бўлиш;
5. Синф раҳбарининг иш режаси билан танишиш ва зарур қисмини кўчириб олиш;
6. Фан ўқитувчисини режалари билан танишиш ва зарур қисмини кўчириб олиш;
7. Мактаб ички тартиб-қоидаларига риоя этиш;
8. Беркитилган синф ўқитувчилари ва ўқувчилари билан танишиш;
9. Ота-оналар билан ишлаш йўлларини ўрганиш;

10. Беркитилган синф ўқувчилари тўғрисида тўлиқ маълумотлар базасини яратиш.

2-ҳафта

1. Беркитилган синфларда дарс учун дарсга тайёргарлик кўриш ва дарс ўтиш;
2. Мактаб ўқитувчилари ва амалиётчи талабалар дарсларини кузатиш;
3. Фан бўйича дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар режаси билан танишиш ва тадбирлар ўтказишда фаол қатнашиш;
4. Тўғараклар режаси бўйича уларни ўтказиш;
5. Беркитилган синф ўқувчилари билан йиғилиш ўтказиш ва улар ҳақида маълумот тўплаш;
6. Синф раҳбари сифатида ота-оналар билан танишиш, йиғилиш ўтказиш;
7. Синфдаги ўқувчилар билими ва тарбияси ҳақида маълумотлар тўплаш;
8. Билими, тарбияси бўш ўқувчилар билан алоҳида ишлар олиб боориш (уларни аниқлаш);
9. Одоб-ахлоқ, кийиниш, муомала маданияти ҳақида суҳбат ўтказиш;
10. Ўқувчиларни касб танлашга йўллашда ёрдам бериш.

3-15-ҳафталар

1. Дарсни сифатли ўтишни ўрганиш;
2. Дарс самарадорлигини ошириш йўлларини қидириб топиш;
3. Дарсни унумли меҳнат асосида ўтишни ўрганиш;
4. Ўқувчилар билимини баҳолашни ўрганиш;
5. Мактаб ҳужжатлари мазмунини билиш ва уларни расмийлаштиришни ўрганиш;
6. Ҳар куни камида иккита дарсни таҳлил қилиш (кузатиш);
7. Дарсни таҳлил қилишни ўрганиш;

8. Тарбиявий соатни (ахборот соати) сифатли далиллар билан ўтишни ўрганиш;
9. Журнални расмийлаштиришни билиш, унга қўйиладиган баҳоларни реал бўлишига риоя қилиш;
10. Мактабнинг барча тадбирларида фаол қатнашиш;
11. Ўқитувчи касбини, унинг маҳоратини нималарга боғлиқ эканлигини билиш;
12. Ўқувчилар ўртасида обрў орттириш;
13. Баъзи ўқувчиларни оиласига бориш, унинг яхши (ёмон) томонларини ота-онасига билдириб қўйиш;
14. Мактаб жамоасига ҳар томонлама наъмуна бўлиш (кийиниш, одоб-ахлоқ, саломлашиш ва бошқалар);
15. Мактабда ўқитувчи томонидан бажариладиган таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларни бажаришни йўллари ўрганишга аҳамият бериш.

Мундарижа

1. Кириш. Малакавий амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш. Малакавий амалиётни ўтказиш даврида амалиётчи-талабалар томонидан қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим: Мактабнинг ички тартиб-қоидалари. Умумий қоидалар.....
2. Мактаб маъмурияти ва педагогик жамоасининг ҳуқуқ ва бурчлари.....
3. Ўқувчиларни ҳуқуқ ва бурчлари улар учун белгиланган.....
4. Ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари мажбуриятлари.....
5. Педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш.....

6. Амалиётчи талабаларда ўқитувчилик маҳоратини шакллантириш.....
7. Талабаларнинг педагогик амалиётда бажарган ишларни рейтинг асосида баҳолаш тартиби.....
8. Талабаларнинг педагогик амалиётда бажарган ишларни баҳолаш.....
- 9.Фойдаланилган адабиётлар.....
10. Илова.....
11. Мундарижа.....